



ЧУЧУК СУВ ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИННИГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ХАВФИ

ОМОНОВ Баходир Нуриллаевич

Фалсафа фанлари доктори

Шаҳрисабз давлат педагогика институти

ОЧИЛОВА Гўзал Араловна

Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада жаҳонда янги аср арафасида жадаллашган экологик глобаллашув жараёнларининг мазмуни ва моҳияти, унинг атроф муҳитга таъсир йўналишилари, хусусан, чучук сув танқислигининг келиб чиқиши сабаблари ва бартараф этишига доир таклиф муроҳазалар баён этилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги экологик муҳитга жиодий таъсир ўтказаётган муаммолар, экологик вазиятни ўзгартираётган ва муносабатларни мураккаблаштираётган ва бу муаммоларни кескинлаштираётган омиллар атрофлича таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: экология, глобаллашув, геосиёсат, геосиёсий манфаат, гуманизм, ҳақиқат.

ABSTRACT

The article describes the content and nature of the accelerated ecological globalization processes in the world on the eve of the new century, its directions of impact on the environment, in particular, the causes of the fresh water shortage and suggestions for its elimination. Also, the problems that have a serious impact on the ecological environment in Uzbekistan, the factors that change the ecological situation and complicate relations and aggravate these problems are analyzed in detail.

Key words: ecology, globalization, geopolitics, geopolitical interest, humanism, truth

КИРИШ

Экологик муаммоларнинг глобал тус олиши табиатга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартирмоқда. Айниқса, чучук сув таъминоти муаммоси жаҳонда долзарб аҳамият касб этиб, геосиёсий тус олиб бормоқда. Дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми чучук сув етишмаслигидан қийналаётгани барча минтақаларда сув тақсимотини илмий-назарий жиҳатдан

ўрганишни тақозо этмоқда. Марказий Осиёда ҳам сув танқислиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Минтақада сув тақсимотини мұтадиллаштиришда амалға оширилаётган ижтимоий-сиёсий муносабатлар дунё экологик сиёсатига интеграциялашишни талаб қиласы. Шу жиҳатдан ўрганилаётган мавзу бугунги куннинг долзарб муаммосини ташкил этади.

Мавзуға оид адабиётлар таҳлили. Экологик муаммоларнинг глобаллашувининг назарий асосларига доир илмий тадқиқот материаллари, жумладан, Марказий Осиёда сув танқислигининг сиёсий тус олиши [2, 3, 4], муаммоларнинг олдини олишига қаратилған [4, 5, 6] күплаб илмий асарлар яратылды. Масалан: Марказий Осиёда экологик муаммоларни бартараф этиш борасыда Б.Омонов, Ф.Қиличев, А.Қўлдошев [4, 6, 8], сув танқислиги муаммоси ва экологик глобаллашувга доир манбалар Б.Омонов, С.Мамашакиров, А.Абдусаметов [6, 9, 10] тадқиқотларида таҳлил қилинганды.

Тадқиқот методологияси. Марказий Осиёда сув танқислиги муаммосининг геосиёсий тус олиши, экологик инқизорзининг тарихий аспектларини ҳисобга олиб, мантиқийлик асосида илмий-назарий хулосалар ишлаб чиқилған. Минтақада сув танқислигини мутадиллаштириш факатгина битта ёки иккита давлатнинг ҳайриҳохлиги билан амалға ошадиган жараён эмас, аксинча ҳудуддаги барча давлатлар яқдил сиёсати асосида ижобий натижага эришиш илмий назарий жиҳатдан исботланған. Муаммони бартараф этиш минтақадаги давлатлар экологик сиёсатини минтақа манфаатларидан келиб чиқиб такомиллаштириш ва интеграциялаштириш натижасида амалға ошадиган жараёндир. Шу сабабли, мақола моҳиятини ёритишда анализ, синтез, умумлаштириш, таққослаш каби мантиқий услублардан фойдаланилған.

Таҳлил ва натижалар. дунё ҳамжамияты олдида турган энг глобал муаммолардан бўлиб, 2 млрд.дан ортиқ аҳоли сув танқислигидан азият чекмоқда. Сув муаммоси яқин келажакда давлатлараро зиддиятларни кучайтириб юбориши мумкин. Дунёнинг йирик дарёларининг 200 таси икки ва ундан ортиқ мамлакатлар ҳудудидан ўтади.

Марказий Осиё минтақаси дарёларининг сув билан таъминлайдиган қор ва музлик ресурслари майдони таназзулга учраб, шиддат билан қисқармоқда. Расмий маълумотларга кўра, сўнги ярим асрда Ўрта Осиё тоғли музликлари учдан бир қисмдан ортиқ майдонга қисқарған¹. Марказий Осиё минтақаси асосан Амударё ва Сирдарё сувларидан тўйинади. Амударё ҳавзасининг йиллик сув ресурслари йилига 78 км кубдан ортиқ. Сирдарё ҳавзасининг йиллик сув ресурслари таҳминан 38.8 км кубни ташкил қиласы.

¹ Омонов Б. “Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги экологик сиёсати” –Т.: 2014 й. –Б.87-88.

Марказий Осиёда Амударё ва Сирдарё трансчегаравий дарё ҳисобланиб, миңтақа давлатларининг чучук сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиролмайди. Миңтақа давлатлари аҳолисининг ўсиши, иқтисодий юксалиш сари одимлаши ва табиат инжиқликлари таъсири чучук сувга бўлган эҳтиёждада ўз таъсирини кўрсатди. Шу сабабли, миңтақа давлатлари орасида чучук сувга бўлган талабнинг кескинла-шиши оқибатида баъзи геосиёсий ихтилофлар ўзаро ҳамкорлик муносабатларида кескинликни келтириб чиқарди.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида XX асрнинг охирида (1996-1999) “етакчилик” деб номланган салбий атаманинг пайдо бўлиши айнан сув муаммосининг геосиёсий тус олишига олиб келди. 2005-2010 йилларда бу жараён янада қизғин тус олди. Марказий Осиёнинг икки азим дарёсига иккита ГЭС каскадининг қурилишига бўлган жиддий харакат ихтилофларни кучайтирди. Тожикистон Амударё қуи қисмида Роғун ГЭСини Қирғизистон Сирдарё Юқоринорин каскадида Қамбарота ГЭСини қуриш эвазига миңтақанинг баъзи давлатларига ўз таъсирини ўтказишга уринишлар авж олди. Маълумки, Сирдарё Норин ва Қорадарёнинг, Амударё эса Панж ва Вахш дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Икки дарёнинг асосий бошланиши Марказий Осиёнинг икки давлати Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари ҳудудига тўғри келади. Агар Тожикистон ва Қирғизистон ГЭС қурилишини туталлаб ишга туширса Ўзбекистон ва Қозогистон давлатлари иқтисодий тизимиға жиддий зарар етади. Бу ҳақда Аслиддин Кўлдошевнинг “Марказий Осиё давлатларида экологик муносабатларни бошқаришнинг демократик ва гуманистик тамойиллари” номли монографиясида батафсил ёритилган. Унда келтирилишича “Ўзбекистон давлати Марказий Осиёдаги сув тақсимотининг ўзгариши, хусусан, Роғун ГЭСи қурилиши натижасида вужудга келадиган оқибатларни аниқлаш ва холис баҳолашга АҚШ мутахассисларини ҳам жалб этди. Улар Роғун ГЭСи ишга туширилган тақдирда Ўзбекистон йилига 600 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар қўриши ҳақидаги маълумотларни, яъни ҳалқ хўжалигига сув танқислиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қискаришига ва ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 2 % ни йўқотиши ҳақидаги ҳисоб-китобларни тақдим этдилар. Айни пайтда 300 минг киши ишсиз қолади. Америка олимларининг маълумотларига кўра Амударёдаги сув оқими даражаси ёзда 18 % га камаяди, қишда эса – 54 %га кўпаяди, булар ёзда – қурғоқчилик, қишда сув босиш хавфларини кучайтиради”. Айниқса, Афғонистонда Кўштепа каналини қурилиши миңтақада чучук сув муаммосини янада кучайтириб юбориш эҳтимоли мавжуд. Бу маълумотлардан қўринадики, кўплаб инсонлар ҳаёти ва давлатлар ижтимоий-сиёсий тараққиёти катта хавф остида қолади.

Айрим сиёсий шарҳловчиларнинг фикрига кўра, Марказий Осиёда сув учун бўлаётган зиддият яқин йилларда кучаяди, бу ҳол, албатта, салбий оқибатларни ва қуролли қарама-қаршилик бўлиши эҳтимолини келтириб чиқаради².

Галим Фасхутдиновнинг “Марказий Осиёда сув туфайли уруш бўлиш эҳтимоли”, номли мақоласида: “БМТ маъломотларига кўра, ҳозир планетамизнинг 40 та нуктасидаги сувга оид тортишувлар ҳарбий низоларга айланиб кетиши мумкин. Ана шундай минтақа-лардан бири Марказий Осиёдир”, – деб таъкидлаган. Бу фикрга Евройтифоқининг Бош комиссари Кэтрон Эштон ҳам муносабат билдириб, Ўрта Осиё давлатлари ўртасида сув ресурсларига муносабатда жиддий зиддиятлар, конфликтлар потенциали мавжудли-гини таъкидлади. Қозоғистонлик сиёсатшунос Марат Шибутов, уни Бишкек ва Душанбега нисбатан ультиматум деб, яқин икки-уч йил ичида уруш муқаррарлигини айтган. Худди шундай башорат Халқаро инқироз гуруҳи эксперти Л.Аброр томонидан 2011 йил охирида ҳам айтилган эди. Россиянинг собиқ СССР ҳудудини ўрганиш информа-цион-таҳлил Маркази Бош директори муовини Ю.Якушева “учинчи жаҳон уруши – сув ресурслари учун уруш бўлади”, деган фикрида бу ҳодисанинг глобал характери қатъий ҳукм тарзида таъкидланганини кўрамиз³. Россия стратегик тадқиқотлар институти илмий ходими Аждар Куратов “Независимая газета”га берган интервьюсида: “Ўзбекистон ва Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида зиддият аллақачон юз бермоқда”⁴, – деган фикрни таъкидлаган.

АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон БМТ штаб-квартирасида дунёнинг 50 мамлакати юқори даражадаги вакиллари иштироқида “Сув ресурслари: тинчлик ва хавфсизлик” мавзусида ўтказилган йиғилишда дунё давлатларини сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишда “сув учун уруш бошламасликка” чақирган эди.

Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақиллиги-мизнинг дастлабки йилларидаёқ сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш масаласига тўхталиб: “Ўрта Осиёда иккита дарё бор. Амударё ва Сирдарё, уларнинг сувлари ўзлаштирилиб бўлинган. Бир томондан Тожикистон, иккинчи томондан Қирғизистон сувнинг бошида турибди. Бу муаммолар тўғрисида бизлар келишиб олишимиз керак, албатта. Ўзбекистонда яна ўн миллион ерни

² Карап: Қўлдошев А.“Марказий Осиё давлатларида экологик муносабатларни башкаришнинг демократик ва гуманистик тамойиллари”. -Т. 2014 й.-Б.80,81,82.

³Ўша асар.-Б.110-111.

⁴Ўша асар.-Б.83.

ўзлаштиришга имконият бор. Шу нүктаи назардан қараганда бизлар ўз юртимизда сувдан оқилона фойдаланишимиз керак⁵ – деган эди. Шунингдек, 2009 йил 28 апрелда Оролни қутқариш Халқаро фонди таъсисчи давлатлар раҳбарларининг Олмаота шаҳрида ўтказилган йиғилишида: “Минтақамиздаги икки азим дарё – Амударё ва Сирдарёning юқори қисмида жойлашган мамлакатлар – Ўзбекистон, Туркманистон, Қозигистон ўртасидаги баҳслар чоғида вужудга келган турли қараашларнинг бўлишини табиий ҳол, деб ўйлайман. Тожикистон ва Қирғизистон, аввало ўз манфаатларини кўзламоқда. Ҳолбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаатлари ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг мафаатлари эмас, балки келажакни ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман. ...бугун ушбу баҳс-мунозара-ларни авж олдирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нукталарини топмоғимиз даркор, деб ўйлайман. Акс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин”⁶, – деб таъкидлаганди. Ушбу фикрлар анча ҳақиқатга яқин бўлиб, дунёда айрим давлатлар, муайян сиёсий кучлар ўз манфаатлари йўлида турли минтақалардаги трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоларини турли усуулар, воситалар билан кескинлаштиришга ҳаракат қилишлари жаҳон ҳамжамияти эътиrozига сабаб бўлмоқда. Бунга мисол сифатида “Марказий Евроосиё” (“Центральная Евразия”) лойихаси “Шарқ вақти” (“Время Востока”), “АҚШнинг Марказий Осиё ва Афғонистондаги сиёсати” мавзулари-даги давра суҳбатларини келтириш мумкин. Бу давра суҳбатларида ўзбекистонлик – сиёсий фанлар докторлари Ш.Ёвқочов, Н.Қосимова, россиялик профессор В.Третьяков ва бошқа муҳокама иштирокчилари бу масалада, истисносиз, яқдил фикрни билдирилар. Хусусан, қирғизистонлик Марс Сарiev: “АҚШнинг Марказий Осиёда сув уруши муқаррарлиги ҳақидаги башорати, унга хайриҳоҳлигини кўрсатади ва шунга йўналтирилгандир. Марказий Осиё давлатлари бошликлари “ташқи ўйинчилар” томонидан лойихалаштирилаётган бундай вазият минтақа давлатлари учун ҳалокатлилигини ва муаммони ҳал қилишда мамлакатлар кооперацияси (биргалиқда меҳнат тақсимоти асосида ишни ҳал этиш) зарурлигини англашлари ғоят муҳимдир” – деган эди. Шу анжуманда

⁵Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.:1996 й. –Б.104-139.

⁶Каримов И. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз, 17-жилд, -Т.2009 й. –Б.216-219. Омонов Б. “Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги экологик сиёсати” –Т.: 2014 й. –Б.87-88.

қатнашган Ўзбекистон вакили Шухрат Ёвқочов фикрича: “Трансчегаравий сув ресурслардан фойдаланиш масаласидаги миллатларо зиддиятлар, низолар эскала-цияси кучайишини инкор қилиш, келажакда ҳарбий конфликтни келтириб чиқариши мумкин. Кучайиб бораётган инқирозни бартараф қилишда БМТ ва бошқа халқаро мутасадди ташкилотлар иштироки ва воситачилигини фаоллаштириш керак”.

Москва давлат университети декани Виталий Третьяков фикрича, Марказий Осиёда сув муаммоси азалдан мавжуд бўлган ва бундан кейин унинг кескинлашувида, АҚШ, албатта, муҳим роль ўйнайди, деб бу масалада Россиянинг позицияси ҳақида ҳеч қандай фикр билдирамаган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда сув муаммосининг “азалдан мавжуд-лиги” тарихий факт. Лекин бу муаммо кескинлашувида мустабид тузумнинг волюнтаристик, тоталитар сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги ҳам факт бўлиб, уни ҳамма ҳам эътироф этавермайди.

Ўзбекистон вакили Назокат Қосимова келажакда сув ресурслари доирасида давлатлараро конфликтлар бўлиши мумкин. Муаммо ечими фақат минтақа давлатларининг трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш усул-воситаларини, механизмларини, технологиясини такомиллаштириш фаолиятини мувофиқлаштириш орқали ҳал бўлиши мумкин⁷, - деган фикрни билдирган.

Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурслари тақсимоти масаласидаги давлатлараро низолар, нафақат АҚШ, балки, яқин ва узоқ хориждаги бошқа мамлакатлар томонидан ҳам рағбатлантирилмоқда. Россия президентининг Қирғизистон давлати билан Қамбарота ГЭСи қурилишини молиялаштириш, олинадиган фойдани тенг бўлиш бўйича 2012 йил сентябрда тузилган шартномаси бунинг мисолидир. (2016 йил январда шартнома бекор қилинган).

Энг аввало, минтақадаги давлатларнинг бу жараёнлардаги ролини, ўрнини аниқлаб олиш керак. Акс ҳолда, бу жараёнларни ташкиллаштирадиган, бошқарадиган ва назорат қиласиган учинчи давлатнинг “ҳакамлик” ролига эҳтиёж пайдо бўлади. Марказий Осиё давлатларининг сув билан боғлиқ муаммолари ёритилаётган қўплаб мақолаларда, масалан, А.Қосимовнинг “Россия ўз олдига Марказий Осиёда “бош ҳакам” бўлиш вазифасини қўймоқда” деган мақоласида Россиянинг Марказий Осиё мамлакатларида, яъни Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида Сирдарё суви масаласидаги мунозаралар

⁷ Қўлдошев А. “Марказий Осиё давлатларида экологик муносабатларни бошқаришнинг демократик ва гуманистик тамойиллари”. -Т. 2014. 78-79.



Россия собиқ президенти Д.Медведевнинг 2009 йил январь ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида икки томонлама дўстона ва яхши қўшничилик қонун-қоидаларига суюнган ҳолда ҳал этилиши лозимги айтилсада, амалда бу сиёсатга қарама-қарши позицияда турганлиги кўрсатилган.

“Бош ҳакамликка” давогар мамлакатларнинг, муқаррар равишда, ўз манфаатларига эгалигини, минтақада хукмронлигини мустаҳкам-лашга ҳаракат қилишини сезмаслик сиёсий калтабинликдир⁸.

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум – биз, яъни ушбу минтақада яшаётган ҳалқларми ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада: “Бўлиб ташла, хукмронлик қил”, – деган принцип – эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас чақага айланиб қолишимиз мумкин⁹. Мана шу муаммолар авж олмасдан янги минг йилликда ўзаро ҳамкорлик тизимини ривожлантириш ва минтқа давлатлари ўртасида ижтимоий-иктисодий, сиёсий келишувга эришишнинг асосий вазифалари ишлаб чиқилиши зарур.

Умуман олганда, Марказий Осиё минтақасида сув муаммоси сиёсий тус олиб улгурган. Бу муаммони олдини олиш ва муаммо ечимини бартараф этиш минтақа давлатларининг яқдил, бир мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлишларига боғлиқ. Акс ҳолда, Марказий Осиёда энг хавфли экологик муаммо Орол денгизи инқирозини янада чигаллаштириб юборади. Натижада, бу жараён дунё экологик тизимига жуда хавф туғдиради.

Бу эса Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик принципини такомиллаштириш зарурият эканлигини кўрсатади. Шу сабабли, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни дунёдаги барча давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди¹⁰, ҳамда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасида сув танқислигига рўй бераётган зиддиятларни ҳал этишда анча мўътадил сиёсат ўрнатишга эришди. Минтақа давлатлари томонидан амалга оширилаётган яқин қўшничилик алоқаларини янги босқичга кўтариш концепцияси шаклланиши

⁸Қаранг: Омонов Б. “Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги экологик сиёсати” –Т.: 2014. –Б.33-34.

⁹Каримов И. “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз”, 17-жилд, -Т.2009 й. 220 б.

¹⁰ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -Б.384.

сув танқислигига бўлган муаммолар ечимиға замин ҳозирлайди. “Биз бугун тараққиётимизнинг умумий устувор йўналишларини англаган ҳолда, чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўткир минтақавий масалаларни ечиш бўйича оқилона муроса йўлини изламоқдамиз”¹¹.

Шу муносабат билан Президентимизнинг Туркманистаннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашида сувни тежаш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларидаги минтақавий ҳамкорлик даражаларини кескин ошириш лозимлиги ҳақидаги фикри Кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди. Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий дастурнинг қабул қилиниши худуддаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган янги босқич сифатида кузатилмоқда. Бундан кўзланган бош мақсад – умумий саъи-харакатлар билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат¹² эканлиги минтақа давлатлари раҳбарлари томонидан тасдиқланди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Марказий Осиё мамлакатлари экологик, сув ва сувдан фойдаланиш сиёсатини минтақа хусусиятларидан келиб чиқиб тизимлаштириш ва илфор экологик инновацион технологияларни такомиллаштириш;

Иккинчидан, минтақа давлатлари ҳамкорлигига сувсизлик билан боғлиқ экологик муаммоларни олдини олишга қаратилган жараёнларни ташкиллаштириш, назорат қилиш ва бошқариш институтционал тизимини шакллантириш;

Учинчидан, Орол денгизи худудини кўкаlamзорлаштириш жараёнларини тезлаштириш ва тежамкорлаштирилган суғориш иншоотларини барпо этиш орқали дринаж ҳамда ер ости сувлари трансформациясини тизимлаштириш;

Тўртинчидан, минтақада сув кўп талаб қилмайдиган ва кўпроқ ҳосил берадиган ўсимлик навларини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерларнинг кимёвий элементлаштиришда алоҳида зарарсизлаштирилган янги дастурни ишлаб чиқиш;

¹¹Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б.265-266.

¹²Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б.265.

Бешинчидан, минтақа экологик сиёсатини ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда беш, ўн ва кўп йиллик “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши ва ушбу дастурдан келиб чиқиб, халқаро экологик сиёсатга интеграциялашиш заруриятини тақозо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”// lex.uz.
3. Мирзиёев Ш. Бошлаган ислоҳотларимизни жадал давом эттириш – устувор вазифадир// Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. Ж.4. – Т.:Ўзбекистон, 2020.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
5. Омонов Б.Н. Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги экологик сиёсати. – Тошкент: “Фан”, 2014. 13,95 б.т. (Монография)
6. Омонов Б.Н. Экологик сиёсатнинг асосий тамойиллари. // Жамият ва бошқарув – Тошкент 2010 №1. -Б. 40-41. (09.00.00; № 3).
7. Омонов Б.Н. Миллий экологик сиёсат: ташкилий-бошқарув тизимини такомиллаштириш. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – маҳсус сон. –Б. 198-200. (09.00.00; № 3).
8. Қўлдошев А.“Марказий Осиё давлатларида экологик муносабатларни башқаришнинг демократик ва гуманистик тамойиллари”. -Т. 2014 й
9. Абдусамедов А. Экологик хавфсизлик – глобал муаммо: ўз ечимини кутмоқда // Фалсафа ва ҳукуқ, 2010, №1.
10. Омонов Б.Н. Халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг интеграциялашиши ва глобаллашиши ҳусусиятлари. // ЎЗМУ хабарлари – Тошкент, 2011. № 4. – Б. 106-109. (09.00.00; № 15).
12. Омонов Б.Н. Экологик сиёсат диалектикаси. // Фалсафа ва ҳукуқ. – Тошкент, 2013. № 2. – Б. 91-94. (09.00.00; № 15).
13. Ochilova, G. A. (2020). Philosophical analysis of the development of social consciousness. PalArch’s Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology” PJAEE, 17(7)
2020)<https://www.palarch.nl/index.php/jae/article/view/2706/2637>
<https://www.scopus.com/sourceid/21100286805> Ochilova G.A.
14. Nurillaevich, O. B., Aralovna, O. G., Shavkatovich, N. K., Khurramovich, M. Y., & Aralovich, O. B. (2022). Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The



Education And Training System. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 984-989

<https://sifisheriencesciences.com/journal/index.php/journal/article/view/1815/1865>

15. Очилова Г.А., Жумаева Ш.С., Очилов Б.А. Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожида миллий давлатчилик тафаккурини шакллантириш зарурияти: усул ва воситалари. Халқаро ислом академияси. Илмий таҳлил журнали. Тошкент. 2019 й. 44-бет.
16. Очилова, Г. А., Очилов, Б. А., & Аралов, М. Б. (2021). ГАРМОНИЗАЦИЯ ИНТЕРЕСОВ НАРОДОВ ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНЫМ ФАКТОРОМ РАЗВИТИЯ МЫШЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-9), 43-47.
17. Очилова Г.А, Омонов Б.Н. Ижтимоий фалсафа- Toshkent: Voris-nashriyot, 2020.
18. Ochilova, G., Jumayeva, S., & Ochilov, B. (2019). The necessity of forming National statehood and it's mentality in the spiritual-moral and cultural development of society: methods and tools. *The Light of Islam*, 2019(2), 10.
19. Омонов, Б. Н. (2023). ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА СУДЬБЫ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(4), 755-763.
20. Омонов, Б. Н. (2013). Геоэкологическая политика Узбекистана в регионе Приаралья. *Credo New*, (3), 20-20.